Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 20 (20.887) 1991 йил 29 январь, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига қандай тайёргарлик кўрилаётгани Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий ривожлантириш фан ва маданият комплексида ўтказилган учрашув кун тартибига киритилди.

Унда иштирок этиш учун Украинадан, Белоруссиядан, Озарбайжондан, Қирғизистондан, Татаристондан, Якутиядан, Тожикистондан, мамлакатимизнинг бошқа республикаларидан, шунингдек, Алишер Навоий асарларининг юбилей нашрларини тайёрлашда қатнашаётган Хитой Халқ Республикасидан таржимонлар—шоир ва ёзувчилар таклиф этилган. Тарихий санага атаб Алишер Навоийнинг кўпгина китобларини ва асарларини, шоир ижоди ва ҳаётини тадқиқ этишга бағишланган илмий ва оммабоп адабиётларни нашр қилиш мўлжалланган. Булар орасида СССР халқларининг 15 тилида бериладиган «Абадият гулзори» тўпламн, ўзбек, рус, инглиз, немис, араб тилларидаги бошқа сайланма асарлар бор. Алишер Навоий китоблари Москвада ва чет элларда нашр қилинади.

Шоир таваллуд топган куни Тошкентда Шоирлар хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилади, илмий конференция ҳамда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор ансамбллари, санъат усталари иштирокида концерт ўтказилади.

Асосий юбилей тантаналари сентябрь ойида ўтади. Тантаналар Навоийнинг ёшлик йиллари ўтган Самарқандда бошланиб, Тошкентда давом эттирилади ва Москвада якунланади. Учрашув қатнашчилари бу байрам ўзбек халқи буюк ўғлони шеъриятининг, унинг маънавий меросининг улуғворлигини янада ёрқинроқ очиб бериши лозимлигини таъкидладилар. Алишер Навоий шарафига бағишланган юбилей тадбирлари Киевда, Душанбеда, Ленинградда, Олмаотада ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўтказилади.

(ЎзТАГ).

ЭЛГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

● Шароитга яраша юқори унум

● Ҳар сменада 36 ўрнига 40 метрдан

● Йил бошидан— юксак маром

*

Бозор иқтисоднёти талаби ҳаммага — ишчига, мутахассисга ҳам таалуқли. Буни обдон мулоҳаза қилган Андижондаги Шаҳриҳон атлас фабрикаси меҳнат жамоасида ишчиларга қулай шароитлар яратиб берилмоқда. Ишчи ва мутахассисларнинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилашга катта эътибор бера бошланди.

Натижада корхонада тайёрланадиган маҳсулотлар турлари кўпайиб, сифати яхшиланяпти. Пировардида бу ишчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш имкониятларини яратяпти. Ўтган йили миллий газлама тўқиб чиқариш 7 хилга етказилди. Бу йил атлас газламалар нусхалари яна ҳам кўпаяди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қойинги бир йилда 3 миллион 118 минг 900 метр сифатли атлас тўқиб чиқаришга эришилди. Бу — мўлжалдагидан анча кўп. Сергайрат ишчилар жамоаси 1991 йилда бежирим ва ранго-ранг газламалар тайёрлаш ҳажмини бундан ҳам кўпайтириш режаси асосида баракали меҳнат қилишяпти. Январь ойи маррасини барвақт эгаллаган пешқадамлар давраси кўп.

Фабриканинг 2-цехи жамоаси меҳнат беллашувида ғолиблик қиляпти. Йириклаштирилган бригадалар ташкил этилгани меҳнатни ташкил этишда қатор афзалликлар яратиб берди. Шу туфайли ҳар сменада маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортиб, илғор ишчилар 36 ўрнига 40 метрга етказиб газлама ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишяпти.

Суратларда: 1. Февраль ойи ҳисобига маҳсулот бераётган ишчи Мукаррама Жўраева ва мастер ёрдамчиси Яҳёхон Усубалиев (юқорида). 2. Нуқул юқори сифатли атлас тайёрлаётган тўқувчи Комилахон Кимсанова (ўнгда). 3. Пастда эса ишчи Азимжон Шерматов.

Т. ҒОФУРОВ олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ТИНГЛОВЧИЛАР

Эстониядаги бошқарув ходимларини баҳолаш ва танлаш билан шуғулланадиган «ЮХТ» марказининг мутахассислари Термизда қисқа муддат ичида менежмент асосларини ўргатиш курсларини ташкил қилдилар. Вилоят корхоналари ва ташкилотларининг вакиллари бу курсларнинг дастлабки тингловчилари бўлишди. Улар амалий ўйинларни, махсус машқларни ўз ичига олган тиғиз режа асосида ўқийдилар. Курсларда бошқарувнинг илғор усуллари билан танишадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатида

26 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов раислигида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди.

Шу йил 17 март куни тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси тарзида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида референдум ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. СССР Олий Кенгашининг ушбу масалага доир қарорини қўллаб-қувватлашга аҳд қилинди. СССР референдумини ўтказиш республика Марказий комиссияси ваколатларини Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Референдумга тайёргарлик кўриш юзасидан ташкилий тадбирларни ўтказиш календарь режаси тасдиқланди. Ўзбекистон ССР тегишли министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари Советларига, уларнинг ижро этувчи ва идора қилувчи органларига зарур топшириқлар берилди.

«Ўзбекистон ССРда фуқароларнинг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама қилинди. Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаш ва уни тегишли комитетларда зарур даражада пухта ишлаб чиқилгандан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг 1991 йилда янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари режаси муҳокама қилинди. Халқ хўжалигини бозор иқтисодиёти изига солиш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириш даврида ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларини биринчи навбатда тайёрлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов қатнашдилар.

ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Андижон вилоят партия комитетининг пленумида вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорларини амалга оширишга доир вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда вилоят партия комитетининг биринчи котиби Қ. Х. Холмирзаев маъруза қилди.

Пленумда партиянинг 1990 йил бюджети қандай бажарилгани, 1991 йил учун дастлабки тарзда белгиланган рақамлар ҳамда вилоят партия ташкилотининг бюджетини шакллантириш ва бажариш тартиби тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Сурхондарё вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичининг якунлари ҳамда вилоят партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Вилоят партия комитетининг биринчи котиби Х. Э. Бердиев маъруза қилди.

Вилоят партия комитетининг бюроси Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан кейин қандай ишларни амалга оширгани тўғрисидаги ахборот тингланди.

(ЎзТАГ).

СССР РЕФЕРЕНДУМИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИЙ КОМИССИЯСИДА

Шу йил 26 январда Тошкентда СССР референдуми республика марказий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Қ. А. Аҳмедов олиб борди.

Мажлисда ССР Иттифоқи Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ 1991 йил 17 мартда ССР Иттифоқи бутун ҳудудида референдум ўтказилиши таъкидланди. Шу куни СССР фуқаролари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан ўз фикрларини билдиришлари керак. Республика Марказий комиссиясининг мажлисида сўзга чиққан аъзолари ўтказиладиган СССР референдуми давлатимизнинг бундан буёнги тақдири учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканини, овоз бериш чоғида халқимиз манфаатларига жавоб берадиган объектив, пухта ўйланган қарор қабул қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон ССРда референдум ўтказиладиган 226 округ тузилди. Бу округлар қишлоқ районларининг, Тошкент шаҳри районларининг, вилоятга бўйсунувчи шаҳарларнинг чегараларида жойлашади, деб белгилаб қўйилди. Референдум ўтказиладиган округларнинг рўйхати эълон қилинади.

«Умумхалқ овоз бериши (СССР референдуми) тўғрисида»ги СССР Қонунининг матнини алоҳида китобча ҳолида нашр этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ХАЛҚЛАР НИМА ИСТАЙДИ?

Одам зоти тарихий мезонлардан ёндашганда, ўзининг капалак умридек ғоят қисқа ҳаётида инсонга хос яшашга, яшаганда ҳам ҳаёт неъматларидан баҳра олиб, қуриб-тўзиб, обод этиб, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳақли. Бунинг учун энг нодир имконият — тинчлик, энг хавфли тўсиқ — урушдир.

Шунинг учун ҳам ҳаёт моҳиятини чуқур англаб етган алломалар, аҳли фозиллар тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек эъзозлашни, инсон қони ҳар қандай тўкилиши энг оғир гуноҳ эканлигини халқ дилига солиб келганлар.

Хусусан, мен тенгқур кишилар болалигимиздан классик адабиётимизнинг Навоий, Бобур, Бедил, Машраб, Фузулий каби намоёндаларининг ана шу мазмундаги асарларини мутолаа қилиб, ёд олиб улғайганмиз.

Етти-саккиз ёшимда Фитратнинг адабиёт тўғрисидаги назарий китобида ўқиган бир ғазал ҳали-ҳануз хотирамда:

Подишо мулку, диннор ва дирам
ришват вериб,
Фатҳи кишвар этмага айлар муҳайё
лашкари.
Бинг фасоду фитна таҳрикила бир
кишвар олур,
Ул дахи осор амину истиқоматдан бари.
Густаран соатда даврони фалак бир
ниқилоб,
Ҳам ўзи фонеъ бўлур, ҳам лашкари,
ҳам кишвари.

Ҳа, улуғ Фузулий огоҳлантирганидек, бировнинг юртини босиб олиш учун қўшин тайёрлаганлар, фитнаю фасод уюштирганлар абадул-абад бир қисматга мустаҳиқ: ҳам ўзи, ҳам эли, ҳам лашкари нобуд бўлади. Фирдавсий «Шоҳнома»сию Навоий «Хамса»сининг ҳам бош ғояси инсонпарварликдир.

Форс кўрфазида бўлаётган қонли уруш фожиаларини эшитиб, Фузулийнинг бу башорат сатрларини яна бир бор кўнглимдан кечирдим. Ўз мамлакатимиз, Болтиқбўйида кечаётган ноҳуш, ғалаёнли воқеалардан афсус-надоматлар чекиб, яна классик шоирларимиз ўгитларини ёдимга олдим. Нега биз инсоният тараққиётининг юксак поғонаси бўлган XX аср одамлари ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олишга ожизлик қиляпмиз? Наҳотки, халқлар уруш тарафдори бўлсалар?

Йўқ, асло! Халқлар фозилу донишлари, алломаю уламоларининг ҳақ сўзларини жон қулоқлари билан тинглаб, уларга амал қилиб келганлар. Халқлар қадимдан, табиатан урушга қарши. Бири далага дон сепиб, бири туёқ кўпайтириб, шаҳарни обод қилган, обод шаҳарлар ҳунармандлари эса улар кўнглини шод этиб келган. Уруш ўчоғига ермой сепаётганларнинг ҳам, фитнаю фасод уюштираётганларнинг ҳам оддий, меҳнаткаш халққа заррача алоқаси йўқ. Улар шахсий манфаат, шахсий адоват ақл кўзларини кўр қилган кимсалардир.

Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, мамлакатимиз Форс кўрфазида қонли воқеалар содир бўлмаслиги учун озмунча ҳаракат қилдими? Болтиқбўйида вазият илиқлашиши учун масалаларни қонуний, сиёсий йўл билан ҳал этиш учун тайёр эканлигимизни фақат бугун айтаётганимиз йўқ. Ва бу оқилона йўлдан боришни истамаётганлар «ўжар»лигига ҳам фақат бугун амин бўлаётганимиз йўқ.

Мен баъзан ўйлаб қоламан: кечмишимизнинг қонсиз, қурбонсиз саҳифаси қолмабди. Қачонгача қон тўкиб яшаймиз? Қачонгача қон тўғрисида ёзамиз? Ўзимизни ўйламасак, фарзандларимизни ўйлайлик. Бугунимиз ҳақида қайғурмасак, эртанги кунимиз учун жон қойитайлик. Янги аср эшик қоқиб турган, бутун жаҳонда иқтисодий, экологик аҳвол мураккаблашиб кетган бир пайтда жафокаш асримизнинг сўнгги ўн йилини дунёда тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик йиллари деб эълон қилинса мақбул бўлур эди. Халқларнинг хоҳиш-иродаси ҳамиша устун келган. Тинчлик ва тотувлик эса халқларнинг азалий истакларидир.

Чиқиндилар ишга солинди

Марғилон ёғочга ишлов бериш заводида чиқиндилардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиляпти.

Бу ерда дала вагончалари, дераза ромлари, эшиклар, пол учун тахталар, посилка жўнатадиган қутилар, болалар аравачалари тайёрлана бошланди, қипиқдан ёғоч пайраха тахталар ишлаб чиқарилянти.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот шаҳардаги хўжалик моллари дўконларига юборилмоқда. Бундай маҳсулотларга ҳаридорларнинг талаби катта. Бу йил корхона 12 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. Шартномага кўра, Иркутскдан ва Брянскдан қўшимча хом ашё келади.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони

ИҚТИСОДИЙ БУЗҒУНЧИЛИККА ВА ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ БОШҚА ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий бузғунчиликка, иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларга қарши курашни таъминлаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмоли моллари билан таъминлашни тартибга солиш мақсадида, СССР Конституциясининг 127(5) моддасига ва «Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштиришга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги СССР Қонунининг 1-моддасига асосан совет милицияси, СССР давлат хавфсизлиги идоралари ҳамда оператив-қидирув фаолияти тўғрисида қонунлар қабул қилингунга қадар **қарор қиламан:**

1. Белгилаб қўйилсинки, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идоралари ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноий суд юритиш асосларининг 29-моддасига мувофиқ иқтисодиёт соҳасида жиноят белгиларини ҳамда уларни содир этган шахсларни аниқлашга доир оператив-қидирув тадбирларини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

1. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (хорижий дипломатия ваколатхоналаридан ташқари) биноларига, фуқаролар якка тартибдаги ва бошқа меҳнат фаолияти билан ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун фойдаланаётган ишлаб чиқариш биноларига ҳеч қандай тўсқинликсиз кириб, мулк эгаси ёки унинг вакили ёхуд у ваколат берган шахс билан биргаликда ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва ёрдамчи биноларни, транспорт воситаларини, мол-мулк сақланадиган ва ундан фойдаланиладиган бошқа жойларни кўздан кечириш. Мулк эгаси ёки унинг вакили текшириш ўтказишда, намуналарни олишда иштирок этишдан бош тортган тақдирда бу ишлар уларнинг иштирокисиз, жамоат ташкилотларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг вакилларини жалб этиб амалга оширилиши мумкин.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар қайси идорага бўйсунишидан, мулкчиликнинг қандай шаклига асосланганидан қатъи назар уларнинг, шу жумладан совет ва хорижий ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари иштирокидаги қўшма корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг раҳбарларидан, мансабдор шахсларидан ва бошқа ходимларидан, шунингдек якка тартибдаги ва ўзга меҳнат фаолияти билан ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи шахслардан текширилаётган фаолиятга тааллуқли бўлган зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва ёзма изоҳномаларни олиш.

3. Мавжуд давлат, кооператив, жамоат мулкини корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари билан солиштириш; халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш чоғида, шунингдек аҳолига хизмат қилиш чоғида истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган нормалар ва қоидаларга риоя этилишини текшириш; таҳлил этиш ва сифатини текшириш учун хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларнинг намунасини олиш;

4. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, улар мулкчиликнинг қандай шаклига асосланганлигидан қатъи назар амалга оширадиган кредит-пул операциялари ва ташқи иқтисодий битимлари тўғрисидаги оператив маълумотларни ва ҳисобот маълумотларини банклардан, бошқа молия-кредит муассасаларидан олиш.

5. Кассаларни, пул, моддий бойликлар ва ҳужжатлар сақланадиган бошқа жойларни муҳрлаб қўйиш, шунингдек зарур ҳолларда мазкур буюмларнинг сақланишини таъминлайдиган ўзга чораларни кўриш.

6. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларини, мансабдор шахсларини, бошқа ходимларини, якка тартибдаги ва ўзга меҳнат фаолияти билан ҳамда тадбиркорликнинг бошқа турлари билан шуғулланувчи шахсларни қонун бузилишига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида расмий равишда огоҳлантириш ва бу ҳақда прокурорга хабар бериш.

7. Ўтказилаётган тадбирларда қатнашиш учун қонунда белгилаб қўйилган тартибда мутахассисларни таклиф этиш.

8. Текшириш ўтказаётган шахс текшириш, намуналарни олиш, муҳрлаш тўғрисида акт тузади, актнинг бир нусхасини тилхат билан мулк эгасига ёки унинг вакилига топширади.

9. Ички ишлар ва давлат хавфсизлиги идораларининг ходимлари бу тадбирларни амалга ошириш чоғида олинган маълумотларни ошкор этишни истисно қиладиган қоидаларга риоя этилишини таъминлашга мажбурдирлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 26 январь.

ПЕНСИЯГА ЧИҚИШДАГИ ИМТИЁЗЛАР

СССР ҳукуматининг қарорига биноан, ёшидан қатъи назар шу ишда камида 25 йил ишлаганларга пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлар ва касбларнинг СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 29 декабрь қарори билан тасдиқланган рўйхати тўлдирилди. Кон йўлакларини ремонт қилувчи (мустаҳкамловчи), кон йўлакларини қайта мустаҳкамлаш ва ёпиш билан шуғулланувчи кон ишчилари, тозалаш ва тайёрлаш ишларида материаллар ҳамда машина-ускуналар келтириш (бериш) билан ер остида шуғулланувчи кон ишчилари, ер остида ишловчи электр слесарлар (навбатчи ва машина-ускуналарни ремонт қилувчи электр слесарлар (слесарлар), тозалаш ва тайёрлаш ишларида машина-ускуналарни ўрнатиш (ўрнатилган жойидан кўчириб олиш), тузатиш ва уларга хизмат қилиш билан шуғулланувчи электр слесарлар шу рўйхатга киритилди.

ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда олишни кўзлаб фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, халқ депутатлари Советлари, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади, Ўзбекистон ССРда Қорақалпоғистон МССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан биргаликда амал қилади.

I. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Корхона ва унинг вазифалари**

1. Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотиладиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шахслари тенг ҳуқуқлилиги шаронтида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади.

2. Корхонанинг фаолияти мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз маҳсулоти, ишлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳамда ана шу асосда меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳамда корхона мол-мулки эгасининг манфаатларини таъминлаш йўли билан эришилади.

3. Корхона хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини, агар улар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилган бўлмаса ва корхона уставига мувофиқ келса, амалга ошира олади.

2-модда. **Корхонанинг турлари**

1. «Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунида белгилаб қўйилган мулк шаклларига мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналар иш олиб бориши мумкин:

Ўзбекистон ССР, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкига асосланган корхона;

жамоа мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхонаси, ишлаб чиқариш кооперативи, кооперативга қарашли корхона, пайчилик жамиятига, масъулияти чекланган жамиятга, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатларига қарашли корхона, жамоат ташкилотининг корхонаси, диний ташкилотнинг корхонаси ва жамоа мулкчилигининг бошқа шаклларига асосланган корхона;

давлат мулкига асосланган Иттифоқ, республика давлат корхоналари, республикалараро корхоналар, Қорақалпоғистон МССР давлат корхоналари, вилоятлараро, вилоят, ноҳияларо, ноҳия, шаҳар корхоналари ва бошқа корхоналар;

тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) Иттифоқ, республика мулкига, мухтор республикалар, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулкига асосланган корхоналар;

мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар ҳамда мулкчиликнинг исталган шакли доирасидаги аралаш корхоналар.

2. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ишловчилар сонига мувофиқ корхона кичик корхоналар жумласига киритилиши мумкин, бундай корхоналарни барпо этиш ва уларни фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари,

шунингдек, корхоналарнинг бу турига киритиш тартиби СССР, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон ССРда корхоналарнинг бошқа турлари, шу жумладан жумҳуриятнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда тузилган ижара корхоналари ҳам иш олиб бориши мумкин.

3-модда. **Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари**

1. Корхоналар ихтиёрийлик асосида фаолиятни мувофиқлаштириш, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш тегишли давлат идоралари ва бошқа идоларда, шунингдек халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифода этиш мақсадида хўжалик уюшмаларига, иттифоқларга, концернларга, консорциумларга ҳамда тармоқ принциплари, ҳудудий ёки бошқа принциплар асосида ўзга бирлашмаларга қўшилишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмаларни яратиш Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган монополияга қарши талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Кўнгилли хўжалик уюшмалари давлат рўйхатидан ўтиши керак ва уларнинг фаолияти ушбу Қонун билан тартибга солинади.

2. Уюшма уни таъсис этувчилар тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради. Уюшмалар таркибига кирган корхоналар ўз мустақиллиги-ларини, ҳуқуқий шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар ва ушбу Қонун уларга нисбатан ҳам амал қилади.

3. Уюшма унинг таркибига кирувчи корхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, корхоналар эса, таъсис шартномаси (устав)да ўзга ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, уюшма мажбурияти юзасидан жавоб бермайди.

4. Уюшмага кирган корхоналар уюшма таркибидаги корхоналар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномаларга мувофиқ сақлаб қолган ҳолда унинг таркибидан чиқишга ҳақлидир.

5. Уюшма унга кирган корхоналарнинг қарорига мувофиқ тугатилади. Уюшма корхонани тугатиш учун белгилаб қўйилган тартибда тугатилади. Уюшма тугатилганидан кейин қолган мол-мулк уюшма уставига мувофиқ унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади.

4-модда. **Корхона тўғрисидаги қонунлар**

1. Корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни ҳамда шу Қонун асосида чиқариладиган Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан, ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгашининг қарорлари билан ҳам тартибга солинади.

2. Фаолияти ишни ташкил этишга ва унинг хавфсизлигига оширилган талаблар қўйиш билан боғлиқ бўлган, технология жараёнлари узлуксиз давом этадиган, шунингдек бошқарув вазифаларини марказлаштириш зарурати билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг айрим турлари учун ушбу Қонунни қўллаш хусусиятларини ва бундай корхоналар турларининг рўйхатини Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши белгилайди.

3. Иттифоқ, республика мулки, мухтор жумҳуриятлар, ажнабий ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар мулкининг тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишига асосланган корхоналарни (қўшма корхоналарни) барпо этиш ва улар фаолиятларининг хусусиятлари ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

II. БЎЛИМ. КОРХОНАНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5-модда. **Корхонани барпо этишнинг умумий шартлари**

1. Корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (лар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда барпо этилиши мумкин.

2. Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотдан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг мазкур бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг (у вакил қилган идора, корхона, ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таъминланса, тузилиши мумкин.

3. Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани халқ депутатлари тегишли Совети қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулоласи бўлган тақдирда тегишли табиатдан фойдаланувчи томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади.

6-модда. **Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш**

1. Корхона, агар ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР Қонуни ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги халқ депутатлари ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия Совети ижроия қўмитаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистоннинг ягона давлат реестрига киритиш учун ўн кун муддат ичида Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига ва Қорақалпоғистон МССР Молия вазирлигига хабар қилинади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун халқ депутатлари тегишли Совети ижроия қўмитасига бу корхонани барпо этиш тўғрисидаги қарор, устав ҳамда Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши белгилаб қўядиган рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхона халқ депутатлари тегишли Совети ижроия қўмитасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб, ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

3. Корхонани барпо этишнинг ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек, таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Корхонани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки корхонани таъсис этувчи асосиз деб ҳисоблайдиган сабабларга кўра рўйхатдан ўтказиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этиш асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган халқ депутатлари Совети ижроия қўмитасининг моддий жавобгарлигига (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади. Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорда ҳақ олинади. Олинган маблағ халқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси томонидан корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия бюджетига ўтказилади.

7-модда. **Шўъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмаларини барпо этиш**

1. Корхона ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек, филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

2. Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш масаласи халқ депутатлари тегишли маҳаллий Советлари билан амалдаги қонунларда корхоналар тузиш учун белгиланган тартибда келишиб олинади.

8-модда. **Фаолият турларига лицензия олиш**

1. Лицензия олиниши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун корхона зарур лицензияни олиши шарт.

2. Корхонанинг лицензия олиниши керак бўлган фаолиятига рухсат бериш ва бундай рухсатни ҳақиқий эмас деб топиш тартибини Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши белгилайди.

9-модда. **Корхона устави**

1. Корхона устав асосида иш олиб боради. Уставни корхонани таъсис этувчи (таъсис этувчилар) тасдиқлайди.

2. Корхона уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкини ташкил этиш ва фойдани даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон ССР қонунларига зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

III. БЎЛИМ. КОРХОНАНИНГ ЭГАСИ ВА МОЛ-МУЛКИ

10-модда. **Корхонанинг эгаси**

1. Корхонанинг эгаси ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли. У мол-мулкидан қонунда тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятини ёки ўзга фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Давлат корхона эгасининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлайди.

2. Корхона мулкдори ўзининг мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишда Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар асосида ва доирасида фуқаролар билан уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузишга ҳақлидир.

11-модда. **Мол-мулкни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш шартлари**

1. Асосий фондлар ва оборот маблағлари шунингдек, қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар корхона мулкини ташкил этади.

2. Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларига ва корхона уставига мувофиқ корхонанинг мол-мулки мулчилик ҳуқуқи ёки тўла хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлиши мумкин.

3. Қуйидагилар корхона мол-мулкини ташкил этувчи манбалардир:

таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари;

маҳсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишдан шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;

банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари;

сарфланган капитал маблағ ва бюджетдан дотациялар;

ташкилотлар, корхоналар ва фуқароларнинг текинга ва хайрия мақсадларида берган бадаллари, ионалари;

шунингдек мерос тариқасида, айирбошлаш ва совға қилиш йўли билан оладиган даромадлари;

Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ўзга манбалар.

4. Корхона ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотиш ва топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул бериш ёки қарзга беришга, шунингдек, агар Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг қонун ҳужжатларида ва корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлидир.

5. Агар уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, корхона ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, ижарага беришга ҳақлидир, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг қонун ҳужжатларига муво-фиқ фуқароларнинг мулки бўлаолмайдиган ёки улар фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлар бундан мустаснодир.

12-модда. **Табиат ресурсларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш**

1. Корхона белгиланган тартибда ҳақ эвазига ер ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилади ва улардан фойдаланади, Ўзбекистон ССР ҳамда Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса, имтиёзли шартлар билан эгалик қилади ва фойдаланади.

2. Корхона ўз ишлаб чиқаришининг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтиришга ва бу таъсирнинг ўрнини қоплашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга мажбур. Бундай тадбирлар ўз маблағлари ёки ўзга манбалар ҳисобидан пул билан таъминланиши мумкин.

Корхона ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига мувофиқ ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар, бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш талаблари ҳамда нормаларига риоя этилиши учун жавобгардир, шунингдек ўз фаолияти натижасида етказилган зарарни, шу жумладан мажбуран зарар кўрган ёки ўз фаолиятини батамом тўхтатган корхоналарга тўлайди.

13-модда. **Корхонанинг ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар маблағини жалб этиши**

1. Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадларида қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда сотиш йўли билан ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

2. Корхонанинг қимматли қоғозлар чиқариш ва сотиш тартибини, уларнинг турлари ҳамда бундай қимматли қоғоз эгаларининг ҳуқуқларини ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунлари белгилайди.

14-модда. **Корхона мулкий ҳуқуқларининг кафолатлари**

Давлат корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради. Давлатнинг корхонага қарашли асосий фондларни, оборот маблағларини ва бошқа молмулкни тортиб олишига йўл қўйилмайди. ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ва давлат идоралари томонидан корхонанинг мулкий ҳуқуқларини бузиш натижасида унга етказилган зарар суд ёки давлат ҳакамлиги қарорига мувофиқ корхонага тўланади.

IV. БЎЛИМ. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

15-модда. **Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари**

1. Корхона унинг уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёҳуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (идорасига) ё бўлмаса корхона уставида кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

2. Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) корхона мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни улар бевосита, шунингдек улар вакил қилган идоралар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёҳуд бошқа идоралар орқали амалга оширади.

16-модда. **Корхонанинг раҳбари**

1. Корхона раҳбари лавозимига ёллаш (тайинлаш, сайлаш), чоғида у билан битим (шартнома, келишув) тузилади, унда корхона раҳбарининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти, унинг моддий таъминоти ҳамда эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш шартлари Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг амалдаги қонунларида кўзда тутилган кафолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

2. Корхона раҳбари корхона фаолияти билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилади, корхона номидан ишонч қоғозисиз иш олиб боради, мамлакатдаги ва чет элдаги барча корхоналарда, фирмалар ва ташкилотларда шу корхона манфаатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари, тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамлар очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижроия аппарати штатларини тасдиқлайди, корхонанинг барча ҳодимлари учун мажбурий фармонлар ва кўрсатмалар чиқаради.

3. Корхона раҳбари ўз ўринбосарларини, бошқарув аппарати раҳбарларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил тайинлайди ва ишдан озод қилади.

4. Корхона раҳбари шартномада ёки Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг амалдаги қонунларида кўзда тутилган асосларга мувофиқ шартнома муддати тугамай туриб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши мумкин.

17-модда. **Корхона кенгаши (идораси)**

1. Корхона кенгаши мулкдор корхонани бошқариш соҳасидаги ўз ваколатларини кенгашга топширган тақдирда тузилади.

Корхона кенгаши (идораси)да, корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, мулкдор ёки корхона хўжалигини, мол-мулкини тўла юритиш ҳуқуқи субъекти томонидан тайинланадиган ва шу корхона меҳнат коллективи томонидан сайлаб қўйиладиган вакиллар сони баробар бўлади.

2. Корхона кенгаши (идораси)нинг ҳуқуқ ва бурчлари мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёҳуд у вакил қиладиган идора томонидан тасдиқланадиган кенгаш (идора) тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

V. БЎЛИМ. КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

18-модда. **Корхона оладиган фойда**

1. Ҳамма турдаги корхоналарда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич — фойдададир.

2. Солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлашдан кейин корхонада қолган фойда (соф фойда) тўла-тўкис унинг тасарруфига ўтади. Корхона, агар уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, соф фойдадан фойдаланишнинг йўналишларини мустақил белгилайди.

Соф фойдадан фойдаланиш йўналишларини танлашга давлат солиқлар, солиқ имтиёзлари, шунингдек, иқтисодий чоралар орқали таъсир кўрсатади.

3. Корхона уставида кўзда тутилган ҳолларда соф фойданинг бир қисми корхона меҳнат жамоаси аъзоларига мулк қилиб топширилади.

19-модда. **Корхона ходимининг меҳнат даромадлари**

1. Корхона туридан қатъи назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олиниб, унинг меҳнатга қўшган шахсий улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва энг кўп миқдори чеклаб қўйилмайди.

2. Барча турдаги корхоналар ходимлари меҳнат ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, системалари ва миқдори, шунингдек, ходимлар даромадларининг бошқа турларини корхона мустақил белгилайди.

20-модда. **Корхона фаолиятини режалаштириш**

1. Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ресурслар, хом ашё ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган иш, хизматга талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

2. Корхона шартнома асосида давлат эҳтиёжлари учун ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади.

21-модда. **Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик муносабати**

1. Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан хўжалик фаолиятининг барча соҳаларидаги муносабатлари шартнома негизига қурилади.

2. Корхона нима ҳақда шартнома тузишни танлашда, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндир.

3. Корхона ўз маҳсулоти ва мол-мулкини, башарти Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига зид бўлмаса, ўз хоҳишига кўра сотади, шунингдек ўз хоҳиши билан хизматлар кўрсатади.

4. Корхона истеъмолчининг манфаатларини ҳамда унинг маҳсулот, ишлар ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларини ҳисобга олади. Истеъмолчининг манфаатлари ва ҳуқуқлари ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади.

Эркин реализация қилиш тақиқлаб ёки чеклаб қўйилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турларининг рўйхати Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунлари билан белгилаб қўйилади.

22-модда. **Улгуржи савдо, ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулотни сотиш**

1. Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-наво тўғрисидаги ахборот асосида бозорларда (товарлар, хизматлар, молия ва ҳоказо бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.

2. Бозорга ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарни давлат моддий-техника ресурслари билан таъминлайди.

23-модда. **Нарх-наво ва нарх белгилаш**

1. Корхона ўз маҳсулотини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда сотади. Давлат фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадларида корхона бозорда монополия мавқеини эгаллаган ҳолларда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун актларига мувофиқ нархларни тартибга солади.

24-модда. **Молия ва кредит муносабатлари**

1. Фойда амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

2. Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа корхоналарнинг кредитларидан фойдаланади.

3. Корхона пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун ҳар қандай банкда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамлари очишга ҳақлидир.

4. Бюджетга тўловлар барча корхоналар учун биринчи галдаги тўловдир. Бошқа тўловлар, шу жумладан иш ҳақи тўлаш корхона томонидан Ўзбекистон ССР Давлат банки томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

5. Корхона харидор (истеъмолчи)га қарзга олинган маблағ учун фойда тўлаш тартибида қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишларни бажариши ва хизмат кўрсатиши, бошқа корхоналарга кредит бериши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун корхона хўжалик оборотида векселни қўллаши мумкин.

6. Корхона кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун тўла жавобгардир. Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармаган корхона банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўлланиш тартиби Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

25-модда. **Капитал қурилиш**

1. Корхона Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига риоя этган ҳолда республика ҳукумати айрим ҳудуд зоналари бўйича белгилайдиган ҳар хил ишлаб чиқариш турларини жойлаштириш ҳақидаги норматив талабларни, қурилиш нормалари ва қоидаларини, квоталар ва лицензияларни ҳисобга олган ҳолда жумҳурият ҳудудида қурилиш жойини танлаб олишда эркиндир.

2. Корхона қурилиш олиб бориш учун ҳар қандай шерикларни танлаб олишда, пудратчилар конкурсини ташкил этишда эркиндир, зарур ҳолларда тегишли қонунларга, тасдиқлаб қўйилган қурилиш нормалари ва қоидаларига амал қилиб, қидирув ишларини олиб боради, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаш ва бажаришни ўзи амалга оширади.

3. Ҳамма ҳолларда қурилиш лойиҳаси вилоят ёки жумҳурият эксперт идоралари даражасида давлат экспертизасидан ўтказилиб пухталиги, чидамлилиги, расман тасдиқланган хавфсизлик қоидаларига, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилганлиги баҳоланади.

26-модда. **Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти.**

1. Корхона Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2. Олинган валюта корхонанинг валюта баланс ҳисобига ўтказилади ва корхона томонидан мустақил фойдаланилади. Корхона валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта маблағи ҳисобидан қилган бевосита валюта харажатлари чегириб ташлангандан сўнг жумҳурият ва маҳаллий бюджетга валюта ажратмалари ўтказилади.

Жумҳурият ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар ставкаси Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхона валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш тақиқланади.

VI. БЎЛИМ. КОРХОНАНИНГ ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАРИ

27-модда. **Корхонанинг ижтимоий фаолияти**

1. Ижтимоий тараққиёт масалалари, жумладан, меҳнат жамоаси аъзолари ва уларнинг оилалари меҳнат, турмуш шароитларини ва саҳат-саломатлигини яхшилаш масалалари, корхонанинг истеъмол фонди ҳисобидан амалга ошириладиган мажбурий ижтимоий тиббий суғурта кафолатлари масалалари Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат жамоаси томонидан корхона маъмурияти иштирокида ҳал қилинади.

2. Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қобилиятига етказилган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади.

3. Пенсионерлар тиббий хизмат, уй-жой, соғломлаштириш ва профилактика муассасаларига йўлланмалар билан таъминланиш юзасидан корхонадаги мавжуд имкониятлардан, шунингдек, коллективнинг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига мувофиқ бошқа ижтимоий хизматлар ва имтиёзлардан унинг ходимлари билан баравар фойдаланадилар.

4. Корхона хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини мунтазам яхшилашга, ёш болали аёлларни иш куни қисқартирилган, асосан кундузги иш билан таъминлашга, ҳомиладор аёлларни меҳнат шароити зарарсиз енгилроқ ишга ўтказишга, шунингдек, аёлларга қонунларда кўзда тутилган бошқа

(Давоми учинчи бетда).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

имтиёзларни беришга мажбурдир. Меҳнат шароити зарарли корхона меҳнат жамоанинг розилиги билан хотин-қизларга енгилроқ иш бериш учун цехлар, участкалар барпо этиши мумкин.

5. Корхона меҳнат жамоасига хизмат қиладиган ва унинг таркибига кирмайдиган тиббий ходимларни, болалар, маданий-маърифий, соғломлаштириш, ўқув ва спорт муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини моддий рағбатлантириши мумкин.

6. Фуқароларнинг илтимослари ва мурожаатларига доир масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш корхона маъмуриятининг вазифаси бўлиб, бу иш фуқароларнинг ўз зиммасига юклаб қўйилиши мумкин эмас.

28-модда. **Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари**

1. Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида қатнашувчи барча фуқаролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

2. Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилиш (конференция)дир.

29-модда. **Корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)**

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси):

корхона мол-мулкини сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади, бундай шартнома (битим) лойиҳасини кўриб чиқади ва уни меҳнат жамоаси номидан имзолаш учун касаба уюшмаси қўмитасига ёки бошқа органларга ваколат беради;

корхона кенгашига вакиллар сайлайди (уларни чақириб олади), уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

Ўз ходимлари учун қўшимча отпускалар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

30-модда. **Жамоа шартномаси (битими).**

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг амалдаги қонунларига зид бўлмаслиги лозим.

Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда улар Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. **Корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган ҳолларда ходимлар билан меҳнат шартномаларининг тўхтатилиши**

Келажакда корхона тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда корхона бу ҳақда меҳнат биржасига уч ой олдин, аммо ходим билан меҳнат шартномаси тўхтатилишидан камида 30 кун олдин хабар бериши шарт. Корхона ходимларни меҳнат қонунларига мувофиқ қисқартиради. Шундан кейин ишга жойлаштиришга ва ижтимоий тўловларга давлат кафолат беради.

VII БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ДАВЛАТ

32-модда. **Корхона ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари**

1. Давлат корхона ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига кафолат беради.

Корхона хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида ўз ташаббуси билан Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССРнинг амалдаги қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай қарорни қабул қилишга ҳақлидир.

Корхонанинг хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятига Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат, жамоат ва кооператив идораларининг, айрим фуқаролар, ҳокимият идораларининг аралашишига йўл қўйилмайди.

2. Республика ва маҳаллий давлат ҳамда жамоат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари корхонага дахлдор қарорларни қабул қилиш чоғида ва ўзларининг шу корхона билан муносабатларида ушбу Қонун қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига ёки қонун талабларига мос келмайдиган ҳужжатни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан суд ёки давлат ҳакамлигига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ёки ўзга идора ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек, бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган бурчларини тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида корхонага етказилган зарар ана шу идоралар томонидан тўланиши керак. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки давлат ҳакамлиги ҳал қилади.

33-модда. **Корхона хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари**

1. Давлат корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини таъминлайди.

2. Давлат бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга қарши тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди.

34-модда. **Ҳисоб ва ҳисобот**

1. Корхона ўз иши натижаларининг оператив ва бухгалтер ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи олиб боради.

Давлат статистика ҳисоботи шаклларини давлат статистика идоралари белгилайди ва у фақат амалий маълумотларни, шунингдек бундай маълумотлар қаерга ва қайси муддатда тақдим этилишини белгилаб беради. Ушбу Қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда статистика ҳисоботини тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

2. Корхона мансабдор шахслари давлат ҳисоботини бузиб кўрсатганликлари учун Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида белгилаб қўйилган интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

35-модда. **Корхонанинг тижорат сири**

1. Корхонанинг тижорат сири деганда корхонанинг ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириши, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиш) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган давлат сири бўлмаган маълумотлар тушунилади.

2. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан аниқланади.

Корхона фаолиятининг турлари ҳақидаги тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларни ССР Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши корхоналар ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни яширишининг олдини олиш мақсадида белгилаб қўяди.

3. Корхонанинг тижорат сири бўлган маълумотларни эълон қилиш, бундай маълумотларни сақлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

36-модда. **Корхонанинг масъулияти**

1. Шартнома мажбуриятларини, кредит — ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни, хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун корхона Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида кўзда тутилганидек тўла мулкий жавобгар бўлади.

2. Корхона ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш талабларига амал қилмаслик, ифлослантириш ва бошқа зарарли таъсирлар оқибатида, ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларини, санитария-гигиена нормаларини ҳамда корхона ходимларининг, аҳолининг ва маҳсулот истеъмол қилувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплашга, шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларида белгиланган миқдорда жарима тўлашга мажбурдир.

Табиатдан фойдаланиш режимини бузаётган корхона фаолияти йўл қўйилган камчиликлар тугатилгунига қадар Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда тўхтатиб қўйилиши мумкин.

37-модда. **Корхона фаолиятини назорат қилиш**

1. Корхонанинг молиявий — хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш мулкдорнинг ташаббуси билан ва бир йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

2. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонун ҳужжатлари билан корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бундай такширувларни зарурат туғилганида ва қатъиян ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ана шу идораларни ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идораларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

3. Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал ишлашига ҳалақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва такшируврларнинг натижалари корхонага хабар қилинади.

38-модда. **Корхонанинг давлат бошқарув идоралари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан муносабатлари**

1. Корхонанинг давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ўзаро муносабатлари ушбу қонунга ҳамда ана шу идораларнинг ваколатларини белгилаб берувчи Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилади.

2. Корхона халқ депутатлари маҳаллий Советлари ҳудудни комплекс иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича маҳаллий бюжет маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган ишларда ихтиёрий равишда шартнома асосида қатнашади.

Корхона халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ёки давлат идораларининг маблағлари ҳисобидан меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун махсус иш жойларини барпо этиши мумкин.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари корхонага қарашли уй-жой ва ишлаб чиқариш майдонини, айрим объектларни тортиб олишига йўл қўйилмайди.

VIII БЎЛИМ. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

39-модда. **Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари**

1. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш) корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига биноан амалга оширилади. Синган корхоналарни тугатиш махсус қонунлар билан тартибга солинади.

2. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида ишдан бўшатилаётган ходимларга Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон МССР қонунларига мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

3. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб у қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

4. Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига таллуқли барча мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келадиган корхонага ўтади.

Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида унинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшилган корхонага ўтади.

5. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналар бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади.

Корхонада битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, тегишли қисмларда бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

6. Бир корхонани бошқа корхона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корхонанинг барча мулкий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

40-модда. **Тугатиш комиссияси**

1. Корхона мулкдор ёки у ваколат берган идора тузган тугатиш комиссияси томонидан, корхона синган тақдирда эса суд ёки ҳакамлик томонидан тугатилади. Уларнинг қарорига биноан корхонани унинг бошқарув идораси тугатиши мумкин.

Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган мулкдор, суд (ҳакамлик) ёки корхонани барпо этишга ваколатли бўлган идора тугатиш тартиби ва муддатини, шунингдек, қарз берганларнинг даъво қилиш муддатларини белгилайди. Бу муддат тугатиши эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

2. Тугатиш комиссияси ёки корхонани тугатишни амалга ошираётган бошқа идора корхона жойлашган ердаги расмий матбуотда уни тугатиш ва қарз берганларнинг даъволарини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) ана шу эълон билан бир қаторда корхонага дебиторлик қарзини ундириб олиш ва қарз берганларни корхона тугатилганлигидан хабардор қилиб, уларнинг даъволарини аниқлаш ишларини бажариши шарт.

Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) тугатилаётган корхонанинг мол-мулкини баҳолайди ва қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни эгалик қилувчига ёки тугатиш комиссиясини тайинлаган идорага тақдим этади.

41-модда. **Қарз берганларнинг даъволарини қондириш**

1. Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкидан қондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидаги қарзлар қондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфида бўлган ерларни қайтадан тиклаш харажатлари қопланади.

2. Даъво қилиш учун белгиланган муддат ўтганидан кейин қилинган ва аниқланган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, аниқланган даъволар, шунингдек, белгиланган муддатда маълум қилинган даъволар қондирилгандан кейин корхонанинг қолган мол-мулкидан қондирилади.

3. Мол-мулк етишмаганлиги учун қондирилмаган даъволар бекор қилинган деб ҳисобланади. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширган идора) тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъволарни тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ўз талаблари қондирилиши тўғрисида суд ёки давлат ҳакамлигига даъво қилмаган бўлсалар, бекор қилинган деб ҳисобланади.

4. Корхонани тугатиш чоғида фуқаронинг шикастланганлиги ёки саломатлигига бошқа хил зарар етганлиги ёхуд ўлими муносабати билан шу корхонадан ундириладиган вақтинчалик тўловларга пул ажратилади.

5. Корхонани тугатишда меҳнат коллективи аъзосининг қўшган ҳиссаси унга қарз берганларнинг даъволари қондирилгандан сўнг пул шаклида ёки қимматли қоғозлар билан берилади.

6. Қарз берганларнинг ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан мулкдорнинг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

7. Корхонани қайтадан ташкил этиш чоғида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисларига ўтади.

* * *

Қонун лойиҳасига доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар 1991 йил 1 мартгача қуйидаги манзилгоҳга юборилишини сўраймиз:

700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Саноат, халқ истеъмоли моллари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва савдо қўмитаси. Телефон: 398-494, 398-775.

СССР ДАВЛАТ ҲИСОБ КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

Ўтган йили мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият анча ёмонлашди, дейилади СССР Давлат ҳисоб комитетининг ахборотида. Танглик ҳолатлари кучайиб бориб, иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларини, айниқса, пул муомаласини қамраб олди. Ижтимоий ишлаб чиқариш миқёслари мутлақ пасая бошлади.

Аҳолининг пул даромадлари аввалги йилга нисбатан 94,5 миллиард сўм миқдорида кўпайди. Бу эса мол ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш курсаткичларидан анча ошиб кетди. Натижада пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кучайди, истеъмол бозори барбод бўлди. Сўмнинг харид қобилияти пасайиши оқибатида корхоналар, республикалар ва регионлар ўртасида натура тарзида айирбошлаш бошланди, бу эса вужудга келган хўжалик алоқалари бузилишига олиб келди. Мушкуллашиб бораётган ижтимоий-сиёсий беқарорлик иқтисодиётга салбий таъсир қилди.

Ялпи миллий маҳсулот аввалги йилга нисбатан 2 фоиз, ҳосил қилинган миллий даромад 4 фоиз, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3 фоиз пасайди.

Ташқи савдо обороти ажнабий валютада 131,2 миллиард сўмлик бўлди ва 6,9 фоиз қисқарди. Давлатнинг ички қарзи 150 миллиард сўмдан зиёд кўпайди ва 550 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат бюджетининг камомади СССР Олий Кенгаши тасдиқлаган 60 миллиард сўм ўрнига 58,1 миллиардни ташкил этди. 1989 йилга нисбатан бу камомад 22,6 миллиард сўмлик миқдорда камайди, бу нарса давлатнинг марказлаштирилган капитал қурилишларига маблағ ажратиш қисқарганлиги, мудофаа харажатлари камайганлиги, оборот солиғи ва аҳолидан олинган солиқдан тушумлари кўпайганлигининг натижасидир.

1989 йилга нисбатан нақд пул 1,5 ҳисса ортди, бу эса аҳолининг қўлидаги пул қолдиқлари 1990 йилнинг бошидаги 104,7 миллиард сўмдан шу йилнинг бошида 132,7 миллиард сўмга етишига ва пулнинг янада қадрсизланишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодиётнинг кўп поғоналилиги вужудга кела бошлади, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланди. 1990 йилда 2,4 мингта ижарачи корхона 48 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. 1991 йилнинг 1 январида 40,6 мингта деҳқон хўжалиги бор эди, уларга 700 минг гектарга яқин экинзор ер бериб қўйилган эди. Ҳозирги вақтда салкам 1400 та тижорат ва ширкат банки ишлаб турибди.

СССР аҳолиси 1991 йилнинг бошларида 290,1 миллион кишига етди. Аҳолининг табиий кўпайиши умумий коэффициенти 1990 йилда урушдан кейинги йиллар мобайнида энг кам бўлди. СССРдан кўчиб кетишнинг кўпайиши ҳам аҳолининг кўпайиш суръатлари пасайишига таъсир қилди. Кейинги йилларда бизнинг мамлакатимиз учун кўчманчи қочоқларнинг янги тоифаси пайдо бўлди. 1990 йилнинг охирида 600 мингдан кўпроқ мана шундай аҳоли бор эди.

Мамлакатнинг меҳнат ресурслари 164 миллион кишини, ёки жами аҳолининг салкам 60 фоизини ташкил этди. Фаолиятнинг барча соҳаларида банд бўлганлар сони 1989 йилдаги 139,3 миллион кишидан 1990 йилда 138,4 миллион кишига тушиб қолди. Ишсизлар қаторига қўшиш мумкин бўлган вақтинча ишламаётган аҳоли — тахминан 2 миллион киши.

1990 йилда саноат ва қурилишда салкам 50 миллион одам кунидан иборат иш вақти зое ўтди. Шу сабабга кўра 5 миллиард сўмлик маҳсулот камроқ ишлаб чиқарилди. Иш ташлашлар ва миллатлараро можаролар аввалги йилларга нисбатан иш вақтининг зое ўтиши кўпайишига таъсир қилди.

Халқ хўжалигидаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1989 йилдаги 240,4 сўмдан 270 сўмга, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 203 сўмдан 220 сўмга етди.

Чакана нархлар 1989 йилга нисбатан 5,3 фоиз, хизмат ҳақи 3 фоиз кўтарилди. Аҳолининг қондирилмаган талаби ҳажми 55 миллиард сўмлик ортди. Аҳолини озиқ-овқат моллари билан таъминлашда мушкул аҳвол вужудга келди, озиқ-овқат маҳсулотининг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш камайди. Рўзғор техникаси ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Уй-жой, умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, касалхоналар, поликлиникалар, клублар ва маданият уйлари аввалги йилга нисбатан камроқ ишга туширилди. Жами саҳни 115 миллион квадрат метр бўлган 1,8 миллионта квартира қурилди, бу — 1989 йилга нисбатан 13,9 миллион квадрат метр ёки 340 мингта квартира кам. Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволи ёмонлашди. Давлат буюртмаси билан қурилаётган ва ишлаб чиқариш қуввати вужудга келтирилаётган 1990 йилги 505 та объектдан 155 таси фойдаланиш учун қабул қилиб олинди. 1989 йилда топширилмай қолган ва давлат буюртмаси жумласига кирган 241 та объектдан эса 103 тасининг ишга туширилиши таъминланмади.

Умумий фойдаланишдаги транспортда юк ташиш 5,9 фоиз камайди, умумий фойдаланишдаги пассажир транспорти 55 миллиард кишини ташиб берди (1989 йил даражасида).

Гарчи, ўн иккинчи беш йиллик йилларида биринчи марта жиноятчиликнинг кўпайиш суръатлари камая бошлаган бўлса ҳам, 2,8 миллионта жиноят қайд этилди, бу эса шундан аввалги йилга нисбатан 13,2 фоиз кўпдир.

1991 йилда мамлакат иқтисодиётининг нормал ишлашини таъминлаш учун халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан СССР Олий Кенгаши 1990 йил октябрида маъқуллаган асосий йўналишларда кўзда тутилган катта тадбирлар амалга оширилиши лозим.

(ТАСС).

ЯНГИ ТАРТИБ

Хизмат юзасидан хорижга жўнаб кетишни расмийлаштириш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида СССР ҳукуматининг қарори билан чет элга командировкага юбориладиган ходимлар учун хорижий паспортлар ва бошқа сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматларга ҳақ тўлашнинг ягона тартиби жорий этилади. Янги тартибда халқаро тажриба ҳамда СССР вазирликлари ва идоралари паспорт — рухсатнома бериш ишларининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинади. СССР Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик хизматлари ҳам ана шу тартиб асосида ишлашга ўтказилади.

Хорижий паспортларни расмийлаштириш ва чет давлатларнинг бевосита СССРдаги дипломатия ва консуллик ваколатхоналарида уларнинг рухсатномасини мустақил олиш учун рухсат берилган СССР вазирликлари ва идораларига ягона тартибга мувофиқ шундай паспортлар ва бошқа сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматлар кўрсатганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқи берилади. Бюджет ташкилотлари ана шу ташкилотнинг чет элга юбориладиган ходимлари учун сафар ҳужжатларини расмийлаштиришга оид хизматларга ҳақ тўлашдан озод қилинади. Ташқи ишлар вазирлигига ўз ходимларини командировкага юборадиган бошқа ташкилотларни узрли сабаблар бўлганда ана шундай хизматлардан озод қилиш ҳуқуқи берилди.

СССР вазирликлари ва идоралари чет элга командировкага юбориладиган ходимларга сафар ҳужжатларини расмийлаштирганлик учун ҳақ олишдан тушадиган маблағларнинг 45 фоизини Иттифоқ бюджетига ўтказишлари белгилаб қўйилди. Маблағларнинг қолган қисмидан улар СССР Молия вазирлиги СССР Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда белгилайдиган тартибда фойдаланадилар.

СССР Ташқи ишлар вазирлигига манфаатдор иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари билан биргаликда ўз харажатини ўзи қоплаш асосида уларнинг Ташқи ишлар вазирликлари регионал ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш вазифаси юклатилди. Ана шу ваколатхоналар чет элга командировкага юбориладиган ходимлар учун хорижий паспортларни расмийлаштириш ва чет давлатларнинг рухсатномаларини олиш юзасидан хизмат кўрсатадилар.

Иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматларига халқ депутатлари ўлка, вилоят, шаҳар Советлари ижроия комитетлари ҳузурида шундай хизматларни ташкил этиш, сафар ҳужжатларини расмийлаштириш юзасидан хизмат кўрсатганлик учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш чоғида ушбу қарорда кўзда тутилган тартибдан асос сифатида фойдаланиш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

Чинниларда товус тасвири

Қувасой чинни заводида бу йил ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури кўпайди.

Бу ерда «Қувонч», «Товус», «Орзу», «Табассум», «Зилола» ва «Наврўз» деб номланган ўзига хос комплектлар тайёрлана бошланди. Идишларга нақш чизиш цехи тажриба участкасининг катталаштирилиши натижасида камёб маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш мумкин бўлди.

Завод жамоаси ўтган йили ўз маҳсулотини сотишдан 2 миллион 200 минг сўм даромад олди. Ҳозир меҳнат жамоаси корхона ҳузурида фирма дўкони очишга тайёрланмоқда. Бу ерда завод маҳсулотлари сотилади.

(ЎзТАГ мухбири).

САЙЁРАМИЗ НАФАСИ

● НЬЮ-ЙОРК

Ироқ кимёвий қурол билан ҳужум қилган тақдирда ҳам АҚШ Ироққа қарши кимёвий қуролни ишлатмоқчи эмас. Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари Жон Сунуну Эй-би-си телекомпанияси мухбири билан якшанба кунги суҳбатда шу ҳақда гапирди.

Эн-би-си телекомпанияси кўрсатувида сўзга чиққан АҚШ мудофаа вазири Ричард Чейнининг гапларига қараганда, «Ироқ кимёвий қурол каллаклари ўрнатилган «Скад» ракеталарини учиришининг аниқ эҳтимоли мавжуд». Бу эса «Саудия Арабистонидаги бизнинг қўшинларимизгагина эмас, бу мамлакатдаги, шунингдек Исроилдаги аҳоли учун ҳам хавфлидир», — деди у.

* * *

АҚШ маъмурияти «Ироққа қарши урушдан кейин ҳам Қўшма Штатлар Форс кўрфази районида ноаниқ вақт давомида ўзининг қуролли кучларини сақлаб туришига» асосланади. Бу ҳақда Америкада чиқадиган «Бостон глоб» газетаси якшанба куни маъмуриятдаги манбаларга асосланиб хабар қилди. Газетанинг далолат беришича, АҚШ Саудия Арабистони омборларида сақланаётган жанговар техника заҳираларини анча кўпайтирмоқчи бўляпти. Қувайтда ва Форс кўрфазидаги бошқа давлатларда ана шундай заҳиралар барпо этиш режалаштирилмоқда.

● НАЙРОБИ

Сомали президенти Сиад Барре якшанба куни Могадишодан «номаълум томонга» жўнаб кетди. Кениянинг Кей-ти-эн телекомпанияси янгиликлар кўрсатувида хабар қилишича, Сиад Барре «ҳарбийларнинг кичик гуруҳи» соқчилигида танкда мамлакат жанубига, айрим маълумотларга қараганда, аэродромлардан бирига жўнаб кетган. Қўзғолончилар якшанба куни Могадишодаги президент саройини эгаллаганларидан сўнг шу нарса маълум бўлди. Айни пайтда Кения радиосининг хабарига қараганда, Кениянинг шимоли-шарқидаги Гарисса районининг ўзидагина Сомали қочоқлари сони икки минг кишига етди. Кения маъмурлари Сомали қочоқларини (уларнинг кўплари безгак, сил ва бошқа касалликларга учраган) озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлашда Кения ҳукуматига ёрдам беришни сўраб, халқаро ташкилотларга, шу жумладан, ЮНИСЕФ ва Халқаро Қизил Крест ташкилотига мурожаат қилган.

● БЕЛГРАД

Киро Глигоров Македония Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайланди. Танюг агентлигининг хабар қилишича, республика мажлиси (парламенти) йиғилишида якшанба куни ҳозир бўлган 119 депутатдан 114 нафари Киро Глигоровни қўллаб-қувватлаган. Унинг номзодини Македония коммунистлар иттифоқи фракцияси — демократик ўзгартишлар партияси таклиф қилган эди.

Киро Глигоров 1917 йилда туғилган, 1941 йилдан фашист босқинчиларига қарши халқ озодлик урушида фаол қатнашган. 1974 йилдан 1978 йилгача Глигоров ЮСФР скупщчинасининг раиси эди. ЮСФР скупщчинасига бир неча бор депутат этиб сайланган. Маълумоти жиҳатидан ҳуқуқшунос, Белград дорилфунунининг ҳуқуқ факультетини тугаллаган.

● ПРАГА

ЧСФРда ўтган дам олиш кунларида туб иқтисодий ислоҳотнинг иккинчи босқичи — кичик корхоналарни хусусийлаштириш бошланди. Унинг моҳияти давлат савдо корхоналарини, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш корхоналарини кимошди савдоси орқали хусусий мулк эгаларига топширишдир. Шу сабабли бу ерда ишбилармонлар орасида фаоллик кескин кучайиб кетганлиги кўзга ташланмоқда. Шанба ва якшанба кунлари Прага магистралида катта кимошди савдоси бўлди. Бир неча ўн миллион кронли савдо қилинди. Якшанба кунининг ўзидагина ўнта йирик савдо корхонаси — тўртта газламалар дўкони, иккита хўжалик буюмлари дўкони, ширинликлар, пойабзал, озиқ-овқат ва кийим-кечак дўкони сотилди. Уларнинг дастлаб белгиланган қиймати 561.900 крона бўлди. Савдо чоғида бу кўрсаткич 17,3 миллион кронага етди. Қузатувчиларнинг фикрича, Чехословакия фуқаролигидан маҳрум бўлмаган ва ишбилармонлик билан шуғулланиш учун ЧСФРга қайтиб келишни хоҳлаган собиқ сиёсий муҳожирлар орасида кимошди савдосига қизиқиш зўр. ЧТК ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, Прага магистралида кимошди савдосининг яқин орада яна икки даврасі ўтказилади.

(ТАСС).

• *Яхшилар ёр бўлганда*

ЭЛЛИК ЙИЛДАН СЎНГ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ, КИТОБ РАЙОНИДАГИ ПАНЖИ ҚИШЛОҒИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЭРГАШ РАҲМОНОВ ЭЛЛИК БИР ЙИЛДАН СЎНГ БЕЛЬГИЯДА ЯШАИДИГАН АКАСИ БИЛАН ДИЙДОР КЎРИШДИ

1939 йил Панжи қишлоғида яшовчи Ботир Раҳмонов Совет Армияси сафига чақирилди. Ҳарбий хизматга жўнаб кетди-ю, аммо она-Ватанига қайтиб келиш унга насиб этмади. Ҳарбий хизматнинг учинчи йилида бошланган иккинчи жаҳон уруши Ботирнинг ҳам тақдирини ўзгартириб юборди. 1944 йили Севастополь шаҳридаги жангларнинг бирида асир тушиб қолди...

Шу воқеа сабаб бўлди-ю Ботир Бельгиянинг Варемм шаҳрида яшаб қолди. Бельгиялик аёл — Мария Терезага уйланди. Француз тилини мукаммал ўрганди. Пенсияга чиққунча қурувчи бўлиб ишлади.

— Ботир акам ҳарбий хизматга чақирилганда, — деб эслайди Эргаш Раҳмонов, — мен 9—10 ёшлардаги бола эдим. Биз акамнинг урушга кетганидан хабардор бўлсак-да, ундан бирорта хат-хабар олганимиз йўқ. Ундан умидимизни узолмасдик, урушдан қайтишини сабрсизлик билан кутдик. Кута-кута, ниҳоят бедарак йўқолган бўлса керак, деган хулосага келдик.

Орадан йиллар ўтди. Акамнинг йўлларига кўзлари нигорон онамиз бандаликни бажо келтирди. Мен бола-чақали, набирали бўлдим. Қирқ йилга яқин тракторчи бўлиб ишладим. Тўрт ўғлим ҳам ота касбга тракторчиликка ихлос қўйишди. Худога шукур, ўзимдан тинганман...

Лекин қалбим яримта, акамнинг дийдорини кўришга ташналик мени қийнаб келарди. Баъзан болаларимга билдирмасдан тўйиб-тўйиб йиғлаб ҳам олардим.

1989 йилнинг февралида биринчи марта акамдан хабар келди. Ўқиб кўзларимга ишонмасдим. Бу яхшиликнинг, бу хушхабарнинг жарчиси «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев эди. Умридан барака топсин.

«...Биринчи концерт ва биринчи учрашув. Артистлар олдига асли Қашқадарё вилояти, Китоб районининг Панжи қишлоғилик, ҳозирда эса Бельгия фуқароси Ботир Атраҳмонов (у ерда фамилияси Атраҳмонов деб юритилиб келган) ҳаяжон билан яқинлашиб келди. Қўлларида гул, кўзларида ёш.

...Ботир аканинг гапига қараганда, у ҳозир ҳам она юрти ҳақида, укаси Эргаш ҳақида ўйлайди. Аммо юртига қайтиш масаласини узил-кесил ҳал қилолмаяпти. Бельгияда у каттагина қарилик нафақаси олади. Агар Китобга қайтадиган бўлса, қаерда яшайди? Ким уни маблағ билан таъминлайди? Умуман 70 ёшли Ботир Раҳмоновнинг дардини тинглаш оғир. Бугун мамлакатимизда рўй бераётган ҳодисаларнинг мазмунини тушунтириш ундан ҳам оғир...

Ботир ака Китобдаги укаси Эргашни Бельгияга таклиф қилган. Кутяпти. Эргаш ака, шошилинг, акангиз сизга интизор. Ҳозир бундай учрашувларга ҳам муносабат ўзгарган, илгари бошқача эди...».

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1989 йил 17 ноябрь сонида босилган бу хушхабарни ўқиб, мен ҳам ўзимда йўқ қувониб кетдим.

Эргаш Раҳмонов акасини кўрган, сўзлашган А. Мелибоев билан кўришишга ошиқаётгани ва бунга ёрдам беришимни сўраганида жонидилим билан рози бўлдим.

— Акангиз бардам ва тетик, — деди А. Мелибоев. Эргаш акага таскин бериб. — Турмуш шароити жуда яхши, ҳеч хавотир олманг, насиб бўлса ўзингиз ҳам бориб кўрасиз. Мабодо, ёрдам керак бўлса мен тайёрман...

— Биз аэропортдан тўғри акамникига йўл олдик, — дейди Эргаш Раҳмонов ҳаяжонланиб. — Июнь ойи охирлаб қолган бўлса-да, ҳаво анча мўътадил. Ҳар қадамда гуллар очилиб ётибди. Шу тариқа унда бир ярим ой турдик ва Бельгиянинг деярли барча шаҳарларини айланиб чиқдик. Ватандошимиз, яъни Ботир акамнинг ён қўшниси Лидия Викторовна Беляева, унинг турмуш ўртоғи ва бошқалардан ғоят миннатдор бўлдик. У ерда ўзбек миллатига мансуб кишилар деярли йўқлиги сабабли акам ўз она тилини унутган эди. Акамнинг бизларга хат ёзишида қўшниси Лидия Викторовна кўмаклашибди. Рус ватандошларимиз бизга дастлаб француз тилидан тилмочлик қилиб туришди. Хайрият, акам рус тилини тузукроқ биларкан, кейин ўзимиз рус тилида суҳбатлаша бошладик. Биз уларга олиб борган Марғилон хонатласини, ўзбек дўпписи ва чопонини совға қилдик. А. Мелибоев улар билан тушган тўрт дона фотосуратни ҳам биздан бериб юборган эди. Улар буни кўриб янаям ҳурсанд бўлиб кетишди, — дейди у гапида давом этиб.

Гап орасида акамга «Сизни ўзимиз билан олиб кетайлик», деб айтдим. Акам ўйланиб қолди. Унинг ўз юртига қайтишга майли бор эди, лекин назаримда, оиласини, ўзининг ҳам бизнинг шароитдан анча узоқлашиб кетганини ўйлади шекилли, аниқ гап айтмади. Ботир акам шу йилнинг баҳор ёки ёз ойларида рафиқаси билан Панжи қишлоғига меҳмон бўлиб келишини айтди. Уларни орзиқиб кутаяпмиз...

Эргаш ака кўзимга ёшарганга ўхшаб кўринади. Мендан олдин ҳам анча киши келиб уни зиёрат қилиб кетишган экан. Эргаш ака Бельгиядан қайтгандан буён унинг хонадони тўйхонани эслатади. Қутлуғ бўлсин, қувончларингизга шерикмиз, деган дил сўзларига очиқ чеҳралардан тўкилаётган хандалар ҳамоҳанг янграйди.

Бу оддий ўзбек хонадони ўз жигаргўшаси Ботир акани орзиқиб кутмоқда. Унинг ташрифи билан бу оиланинг соғинч хумори босилади, меҳмоннинг қутлуғ қадамидан гул-жамбиллар унади.

А. АВЛОҚУЛОВ.

АХБОРОТ

Хайрия жамғармаси ташкил этилди

Андижонда «Иш билан бандлик жамоат жамғармаси» таъсис этилди. Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари андижон вилоят комитети олтинчи пленумининг иштирокчилари шу жамғармани ташкил этишнинг ташаббускорлари бўлишди.

Уларнинг ўзлари бу жамғармага биринчи бўлиб пул ўтказдилар. Янги жамғарманинг низоми қабул қилинди. Хайрия ташкилотининг асосий мақсади ёшларга ишга жойлашишда ёрдам беришдан ва вақтинча ишсиз қолганларга моддий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат.

Жамғарма ҳузурида бу йил кичик корхоналар ва акционерлик жамиятлари очилади. Улар халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантириш билан шуғулланади. Бу ерда илмий ва ижодий жамоалар ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Жамғарма шунингдек камбағал оилалардан бўлган олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқишни истовчи йигит-қизларга моддий ёрдам бериб туради.

Ёшлар, меҳнат ва истироҳат

Ўтган йили Самарқанддаги «Канопи» заводида ёш ходимлар қўнимсизлиги икки баравар камайди, меҳнат интизоми яхшиланди.

Бу ерда ёш оилаларнинг ижтимоий манший муаммолари ҳал этила бошланди, ёшларнинг меҳнат шароити яхшиланди, кўнгилдагидек дам олиш ташкил этилди. Касаба уюшмаси комитетидаги собиқ байналмилалчи жангчилардан иборат ёшлар шўъбаси кўпгина яхши ишларнинг ташаббускори бўлди. Улар «Ёшлар, меҳнат ва истироҳат» туркум режасини ишлаб чиқдилар. Бу режада завод ёшларининг кўпгина муаммоларини ҳал қилиш йўллари таклиф этилган.

Ёшлар ишдан бўш вақтларида цехларда дам олиш хоналарини ташкил этиб, жиҳозладилар, бассейнли сауна бунёд этдилар, ёш оилалар учун 11 хонадонли уй қура бошладилар. Заводда «Квант» дискоклуби, «Лидер» футбол клуби, оилавий ва қизиқишлар бўйича бошқа клублар очилди.

Ижтимоий ёрдам

Термиз районидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида камбағал оилалар, ногиронлар ва пенсионерлар учун махсус қўшимча тўловлар белгиланган.

Жамоа хўжалигининг касаба уюшмаси комитети шу мақсад учун ўз бюджетидан икки минг сўмдан кўпроқ пул ажратди. Хўжаликда 117 киши учун ойнга 10 сўмдан 60 сўмгача бўлган қўшимча тўловлар белгиланган. Қариялларга ғамхўрлик фақат молиявий ёрдам билан чекланмаяпти. Бу йил жамоа хўжалиги ўз меҳмонхонасини кекса фуқаролар учун кундузги стационарга айлантирди. Бу ерда сауна, физиотерапия хонаси ҳамда балчиқ билан даволаш хоналари бор. Стационарда ишлаётган уч ҳамширага жамоа хўжалиги маош тўлаяпти.

Вилоятдаги бошқа хўжаликлар ва корхоналар ҳам «Дўстлик» жамоа хўжалигидагиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Денов районидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигида касаба уюшмаси комитетининг қарорига биноан 67 кишига шундай қўшимча ҳақ тўланмоқда. «Жарқўрғоннефть»нинг, «Сурхондарёавтотранс» бирлашмасига қарашли 48-автокорхонанинг меҳнат жамоаларида турли имтиёзлар ва қўшимча тўловлар белгиланган.

Касаба уюшмасининг нашри

Термизда чиқарила бошланган янги нашр «Халқ минбари» — «Народная трибуна» деб номланди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши бир ойда бир марта чиқадиган бу газетанинг муассиси бўлди. Ойноманинг вазифаси вилоят касаба уюшмаси ташкилотларининг фаолиятини ҳар томонлама ёритиб боришдан, улардан энг яхшиларининг иш тажрибаси тўғрисида, касаба уюшмаларининг қайта қуришдаги иштироки ҳақида ҳикоя қилишдан иборат. Ойномада меҳнаткашлар саломатлигини сақлаш, маданият, спорт масалаларини ҳам ёритиб бориш мўлжалланяпти.

(ЎзТАГ мухбири).



Заполярьедаги Франц Иосиф ери оролларидан бири — Хейса оролида машҳур совет қутбчиси — папанинчи Э. Кренкел номидаги совет илмий обсерваторияси жойлашган. Обсерваторияда Шимолий қутбга энг яқин бўлган райондаги ҳаво ва сув муҳити таркиби йил давомида кузатиб борилади. Олинаётган маълумотлар бутун жаҳонда фан ва амалиёт учун ўта муҳим аҳамиятга моликдир.

Суратда: Франц Иосиф ери ороли.

С. МАЙСТЕРМАН олган сурат (ТАСС фотохроникаси).

КИЕВДА ҚОРАҚАЛПОҚ ЖАМИЯТИ

Украина пойтахтида қорақалпоқ маданияти жамияти ташкил этилди. Уни Украина туркий тилда сўзлашувчи халқлар республика маданият маркази рўйхатга олди.

— Бу ташкилот ҳам марказимизнинг бошқа бўлинмалари каби, — дейди шу марказ бошқаруви раисининг ўринбосари Ж. Д. Дандаров, — Украинада доимий яшовчи талабалар ва қорақалпоқлар орасида маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш юзасидан фаол иш олиб бориши керак.

Республика маданият марказининг бошқаруви савдоиқтисодий ва маданий ҳамкорлик юзасидан кенг фаолият олиб боришга юридик жиҳатдан ҳақли. Киевдаги маданият марказининг 609472 рақамли ҳисоб варақасига тушаётган маблағнинг бир қисми талабалар эҳтиёжлари ва қорақалпоқ маданият жамиятининг маданий-оқартув тадбирларини пул билан таъминлаш учун сарфланади.

(ЎзТАГ).

СПОРТ

БОЛАЛАРГА ТЎП УЛАШИБ

● Чирчиқдаги болалар уйи оталиққа олинди. «Азия трэйдинг» Совет—Америка қўшма корхонаси раҳбарлари болаларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларни қувонтирдилар. Болаларга футбол тўплари берилиб, 50 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Бунинг боиси, қўшма корхона раҳбарлари Улуғбек Эштоев билан Жеймс Ли ёшликда футбол ўйнашган бўлиб, спортнинг қизиқарли турига ҳурмат рамзи сифатида ҳайрли ишга қўл урдилар. Қурилиш ишлари билан шуғулланиб, кўпроқ халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилган бу корхона жамоаси чирчиқлик болаларга бундан буён ҳам оталиқ ёрдами кўрсатаверади.

СПОРТЛОТО

● **Тўртинчи тираж ўйинларида қуйидаги ютуқли рақамлар қайд этилди.**

«45 дан 6»: 1, 7, 13, 23, 36, 38,

«36 дан 5»: 3, 13, 15, 19, 28.

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон ССР об-ҳавони ўрганиш марказидан олинган маълумотга кўра ҳафта ўртасида ёғингарчилик бўлмайди, қолган кунлари об-ҳаво беқарорлашади. Вақти-вақти билан қор ёғади. Тоғли масканларда қалин қор тушади, қор кўчкиси хавфи туғилади. Кўпгина вилоятларда кечаси ва эрталаблари туман тушади. Жойларда Ғарбдан секундига 20 метргача тезликда шамол эсади. Кечалари 9-14 даражагача совуқ, кундузлари 4 даража иссиқ билан 2-7 даражагача совуқ бўлиб туради. Шимолий вилоятларда 4-9 даража совуқ 20 даражагача етади, кундузлари 2 даража иссиқ ва 5-10 даражагача совуқ атрофида бўлади.

САЛОМАТЛИКЧИ?

Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш институти шарҳи: об-ҳаво беқарор бўлган кунларда атмосфера босими кескин ўзгарувчан бўлиб, бундай пайтда бемор кишилар нохуш бўладилар. Юрак ҳасталиги, томирлар, бош миясида, ўпка ва бўғин шамоллаши касаллигига чалинган беморлар кўпроқ безовта бўладилар. Бундай пайтда қон босимини маромлаштирувчи дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади. Бўғинлар оғриғи, асаб ҳасталиги учун оғриқ қолдирадиган дорилар тегишли миқдор ва хилма-хилликда тавсия этилади. Бундай беморларга осойишталик яратиш, табиий шифобахш тадбирлар қўллаш лозим. Барча беморларга «Антивазоспастин» дориси тавсия этилади. Бундан ташқари оёқ ваннаси қилиш керак, бош ва бўйин аъзоларини силаш, енгил ўқалаш, чиниқтириш машқларини бажариш лозим.

БЎШ УЙЛАР КИМНИКИ?

Ҳеч кимнинг бошига бемаврид фалокат тушмасин. Шундай дейиш-у ҳаёт-ҳаёт экан-да! Ҳа, халқимиз «Ут ва сув балосидан асраги!», деб бижиз таваллo қилмас экан. Тўсатдан яна қиш яқинлашиб қолганда Бўстонлиқ ноҳиясидаги Чинор қишлоғи аҳолиси бошига оғир кулфат тушди: қатор ҳовли-жойлардан тўрттасқ бирданига куйиб кетди!..

Қишлоқ оилалари серфарзанд бўлиши барчага маълум. Тўртта ҳовли-жой куйди, дедик. Аслида эса саккиз оила ёки ўттиз икки жон бошпанасиз қолди!..

Бундай пайтда жабрдийдалар нажот истаб оқсоқолга югурадилар. Бошпанасиз қолганларни Чорвоқ посёлкаси жиҳроқўми раиси Тоҳир Аширбоев юпатди, қўлидан келганча амалий ёрдам берди.

Афсуски, оқсоқолнинг ҳам қўли калта эди. Гўё у обдон ташна, чаиқаган ёнбошида шарқираб зилол сув оқиб турибди-ю, ичолмайди. Бир пайтлар ўйламай-нетмай чиқарилган қарор унинг йўлига тўғаноқ, бир қадам ҳам олдинга босишга қўймайди. Ҳамқишлоқларига ҳамма-ҳаммасини тушунтирмоқчи бўлади, аммо Тоҳиржоннинг тили гапга қовушмайди. Бошига кулфат тушган одамларга қуруқ гап эмас, амалий ёрдам керак эди...

Гап шундаки, Чорвоқ посёлкаси бағридаги кўпқаватли уйларда 1975 йилдан буён уч юз элликта квартира бўм-бўш ётибди. Шу уйларнинг ёнгинасида чинорликлардан ўттиз икки киши бошпанасиз. Бундан ташқари, бир хонали квартираларда тўрт-беш фарзанди бор оилалар ноилож яшаяпти. Чорвоқ ГЭСи ишчиси Холметов ҳам беш фарзанди билан қачонлардан бери бир хонали уйда туради. Уй-жойини кенгайтириш учун беш йилдан буён навбат кутади. Умуман, Чорвоқ посёлкасида олти юздан зиёд оила квартирага навбатда турибди. Бу рўйхатдагилар. Чинор қишлоғида уйлари ёниб кетганларга ўхшаш бахтсиз ҳодисалар туфайли уй-жойга муҳтожлар анчагина.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Чорвоқ посёлкасида уй-жой учун навбатдагилар олти юздан ошсаю, худди ўша жойнинг ўзида уч юз эллик квартира бўм-бўш ётса!! Хўш, буни

• Долзарб мавзу

қандай изоҳлаш мумкин! Ун беш йиллаб ҳувиллаб ётган ўша квартираларнинг эшиклари муҳтожларга очиб берилса бўлмайдими!..

«Бўлмайди» дейишади бу ишнинг масъулияти зиммасида турган кишилар. Чунки, СССР Олий Кенгашининг 1981 йил 24 июндаги бешинчи сессиясида шу ҳақда қарор қабул қилинган. Яъни бу қарорга кўра, мамлакатнинг шимолий районлари (масалан, Сибирь томонлар)га ишга юборилганлар учун квартираларини маълум муддатга банд қилиб қўйиш ҳуқуқи берилган экан. Тушунарли. Демак, Чорвоқ ГЭСини тиклаганлар бу томонларда тайинли иш қолмагач, Саяно-Шушенское ГЭСи қурилиши каби мўмай даромадли жойларга кетганлар. Уларнинг тўқсон фоиздан ортиғи борган жойларида ўй-жой билан таъминланишган. Аммо янги чиққан қарорни (уларнинг ўзлари бу қарор қабул қилиниши учун ҳайбаракаллачи ҳам бўлишган) рўкач қилишиб, Бўстонлиқ районининг Чорвоқ посёлкасидаги квартираларни ҳам бемалол эгаллаб туришибди. Мақсадлари маълум: Бўстонлиқда ГЭС ёки завод қурилгудай бўлса, бу жойга дарҳол қайтишади-да, тайёр уйда яшайверадилар. Шов-шувларга сабаб бўлган воқеа—Бўстонлиқда йирик завод қурилиши ташаббускорлари ҳам асосан бўш ётган квартираларнинг эгалари эди. Лоақал энди улар Бўстонлиқда йирик корхоналар ёки сув омборлари қурилишларидан умидларини узса бўларди. Ахир, Бўстонлиқ, Паркент зоналарини миллий боққа айлантириш ҳақидаги қарорлар қоғозда қолиб кетмаса керак!..

Энди, асосий масала — Чорвоқда бўш ётган квартираларга яна мавзуни бурсак, бир нарса кишини ажаблантиради. Уй-жойларни бронлаштиришнинг ҳам муддати учун чегара бордир: уч йилдир, нари борса олти йилдир... Аслида эса уларнинг 1975 йилдан буён ҳувиллаб ётишига нима дейиш мумкин. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томонидан олиб қарайдиган бўлсак, ҳар қандай қарор республика аҳолиси истагига мос тушиши шу ердаги халққа хизмат қилиши керак эмасми! Бунга, айниқса, айни пайтда — республикалар мустақиллик ҳуқуқларига эга бўлаётган ҳозирги даврда алоҳида эътибор бериш лозим. Қачонлардир қабул қилинган қарорлар шу кунларга келиб адолатга тўсиқ бўлган экан, улардан нега воз кечмаймиз!

Асад АСИЛ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

ССЖИ халқ артисти, ССЖИ давлат мукофоти ҳамда Ҳамза номидаги жумҳурият мукофотининг совриндори

ОЛИМ ХУЖАЕВнинг

80 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Турғунбоева номидаги «БАҲОР» Давлат рақс ансамбли

Бадиий раҳбари — ЎзССЖ халқ артисти Маъмура ЭРГАШЕВА.

Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси солисти **Ғуломжон ЁҚУБОВ.**

Муқимий номидаги жумҳурият мусиқали театри артистлари: **ЎзССЖ халқ артисти Суръат ПЎЛАТОВ, ЎзССЖда хизмат кўрсатган артист Наима ПЎЛАТОВА.**

«ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Бадиий раҳбари: **ЎзССЖ халқ артисти, Ҳамза мукофотининг совриндори Фаррух ЗОКИРОВ.**

ОЛИМ ХУЖАЕВ НОМИДАГИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ МУСИҚАЛИ-ДРАМА ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИ.

БУХОРО ВИЛОЯТИ, ШАҲАР МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ «МОҲИ СИТОРА» ФОЛЬКЛОР АШУЛА-РАҚС АНСАМБЛИ.

Кечани ЎзССЖ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофотининг совриндори Ёқуб АҲМЕДОВ, ЎзССЖда хизмат кўрсатган артистлар, Ҳамза мукофотининг совриндорлари Гавҳар ЗОКИРОВА ва Теша МУМИНОВлар олиб боради.

Саҳналаштирувчи режиссёр — **Марат АЗИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4 ФЕВРАЛЬ, САОТ 19.30 ДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ФАХРИДДИН УМАРОВ

Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофотининг совриндори

ҲОЖИАКБАР ҲАМИДОВ

иштирокида

К О Н Ц Е Р Т

Чипталар Халқлар Дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!

ССЖИ ўрмон, саноати вазирлигининг «УЗБЕКМЕБЕЛЬ» МЕБЕЛЬ САНОАТИ ҲУДУДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700195, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй.

●

«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ технологик жараёнларни автоматлаштириш ва УВК СМ-1600 машина вақти учун ТК-210 телекомплексини келишилган баҳода

СОТАДИ

Маълумотлар учун телефонлар: 56-61-75, 56-61-91.

●

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«Пахта тозалаш саноати ускуналарининг эҳтиёт қисмлари каталоги»ни нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан

СОТАДИ

Манзилимиз: 700051, Тошкент шаҳри, ГСП, Лолақизғалдоқ тор кўчаси, 92-уй. Маълумотлар олиш учун телефон: 67-53-42.

●

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН МОНТАЖ ҚИЛИШ—СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ

1917 йилда чиқарилган ЭРА-М-01 26185 номер типидаги ЭРА-М-01 электрографика қурилмасини

СОТАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 5-алоқа бўлими, Ҳамза ноҳияси, Куйбишев шоссеси, 35-уй. Телефон: 91-47-41.

●

Самарқанд вилояти Иштихон ноҳиясининг «Стройреммебельбит»га тегишли хўжалик ҳисобидаги таъмирлашқурилиш участкасининг йўқолган 217, 218 номерли ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

●

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/I да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 30/I да **Жар.**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 январь соат 19.00 да
1, 2, 3 февраль соат 16.00 ва 19.30 да

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ—3»

ҲАЖВИЯ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Абдурашид РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.

Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 февраль соат 17.00 ва 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ва «САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Баҳром АБДУЛЛАЕВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, фирқа қўмитаси, касаба уюшмаси, электр ва радиотехника кафедрасининг доценти Ш. А. Шариповга ўғли

Шерзод ШАРИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССЖ Ижтимоий таъминот вазирлиги жумҳурият аҳамиятидаги шахсий пенсионер

Содиқ ҚОЗОҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4720.

№ 20. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12